


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 165 (10.470)

2005 ЙИЛ 24 АВГУСТ



«Ўзбекистонда тайёрланган»

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Энг улуг, энг азиз байрам — Республикаимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида мамлакатимизда хорижий сармоёлар иштирокида ташкил этилган яна 6 та корхона ишга туширилмоқда. Ана шулардан бири — пойтахтимиздаги «Паризод» комбинати негизда ташкил этилган «ОйДемир-Текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси кеча тантанали равишда очилди.



Янги корхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳир Тўхтаев қўшма корхона арафасида иш бошлаётган корхона аҳлини самимий табриклаб, унинг мамлакатимиз иқтисодига қўшадиغان ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтди ва туркиялик ҳамкорларга бу борадаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик изхор этди. Албатта, бундай ҳамкорликдаги қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши мустақил дийриликда хорижий сармоядорларга яратилган қулай шартитлар, кафолат ва имтиёзлар самарасидир.


Тантанали маросимда сўзга чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби М.Керагез, «Демир групп» компанияси раҳбари О.Кеналика, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Зиё, шoir М.Мирзо, «АйДемир текстиль» қўшма корхонаси ходими Л.Мансурова мамлакатларимиз ўртасида узаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда таниқли бўлган ва 1992 йилдан бунён фаолият юритаётган Туркиянинг «Демир групп» компанияси иштирокида ташкил этилган ушбу қўшма корхонага жалб қилинган инвестициялар қиймати ўртача 17,5 миллион долларга тенг бўлиб, корхона тўла қувват билан ишлаганда 1200 нафар киши иш билан таъминланиши

қўзда тутилган. Шунингдек, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатларга экспорт қилиниб, экспорт қийматининг умумий миқдори йилга 10 миллион долларга тенг бўлади.

Хозирда корхонада пайпоқ ишлаб чиқариш ва тикувчилик цехи фаолият кўрсатиб, унда 400 нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда. Йилга 10 миллион жуфт пайпоқ тайёрланиб, дунёнинг етакчи «Ruzzell Athletics» ва «Renfro» фирмаларига, 5 миллион донадан ортиқ тикувчилик ва трикотаж буюмлари тайёрланиб, уларни Америкага ҳамда «Anvil», «Fruit of the Loom», «Jacque» фирмаларига экспорт қилиш қўзда тутилган. Шунингдек, «Демир групп» жамоаси тадбиркорлари бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошириб, 2008 йилда йиллик экспорт ҳажмини 50 миллион долларга етказишни режалашган. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, юқоридаги корхонага «Асака банк» томонидан ажратилган кредит катта маддд бўлди.

Корхонанинг хозирда фаолият бошлаган пайпоқ тўқиш ва тикувчилик цехлари энг замонавий тўқиш, буюш, тикув, даэмол бошим, қуртилиш ва ёйиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, улар маҳаллий хом ашёдан жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда ва товарлар рақобатбардошлигини оширмоқ-



да. Корхона цехларини айланар экансиз, ўз ишдан мамнун ёшларни учратиб, уларнинг иштиёқ билан меҳнат қилаётганини кўриб дилдан қувонасиз.

— Мустақиллик байрами арафасида ушбу қўшма корхонанинг очилиши биз учун қўшалоқ соғва бўлди, — дейди пайпоқ цехи сифат назоратчиси Гаваҳр Тوشматова.

Шунингдек, айни кунларда шахримизнинг «Қоратош» даҳасида очилади Швейцариянинг «Зеромакс» фирмаси томонидан ташкил этилган янги тикувчилик корхонасида ҳам йилга 2,5 миллион дона тайёр буюмлар ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 1,8 миллион АҚШ долларига, экспорт салоҳияти эса 2,0 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Ушбу корхонада 240 та ишчи ўринлари яратилади. Бундан ташқари жорий йил охиригача умумий қиймати 42 миллион, экспорт салоҳияти 30,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган хорижий сармоёлар иштирокидаги яна 3 та тўқимачилик корхоналарини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятини дахларлар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) ва Наталья Семёнова олган суратлар.

XVI сағоси

Мамлакатимизда

- Эртага Самарқандда бешинчи анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали очилади. Бу йилги «Шарқ тароналари»да дунёнинг 50 га яқин мамлакатдан энг таниқли санъаткорлар, мусикашунос олимлар иштирок этишади.
- Кеча Тошкентда «Ўзбексаудо» компанияси ташаббуси билан «Халқ истеъмоли моллари» Тошкент минтақавий кўргазмаси очилди. Унда «Ўзбекнгилсаноат» компанияси, «Ўзбекипаги» ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари корхоналарининг кузгикиши мавсумга аталган маҳсулотлари намойиш этилмоқда.
- Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Сурхондарё вилоятининг Денос шаҳри марказида «Нуронийлар чойхонаси» фойдаланишга топширилди.
- Зомин туманининг Пишогор қишлоғида бунёд этилаётган агроиқтисодий коллежи, Зафаробод туманининг С.Синдорнов номи агрохизмат маркази ҳудудидagi агрохизмат коллежи ва Фалларол туманидаги транспорт ва қишлоқ ҳўжалиги касбхуналар коллежлари Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши қўзда тутилган.
- Тошкент вилояти «Турон» миллий универсал кутубхонаси ташаббуси билан «Энг яхши китобхон оила» кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди.
- Қорақалпоғистон Республикасининг пахтачиликка ихтисослашган йирик туманларидан бири — Тўрткўлда Истиклолнинг 14 йиллик байрами арафасида Низом жағғармаси 8 миллион евро ва ташкил этувчи «Тўрткўлтёкс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси ишга тушди.

Жаҳонда

- Фаластин жағғарилари томонидан Ғазо ҳудудидан ўғирлаб кетилган Франциялик журналист Муҳаммад Уатий озод қилинди.
- Австралия яқин вақт ичида 20 минг нафар малакали хорижий мутахассисларни қабул қилиши ҳақида эълон қилди. Тез орада Европа ва Ҳиндистонда керакли кадрларни жалб этиш бўйича махсус таништирув кўргазмалари ташкил этилади.
- Греция комиссияси 14 август кuni Афина яқинида кулаган самолёт ҳалокати сабабларини аниқлади. Мавлуд бўлишча, самолётда ёниги тугаб қолганлиги натижасида 118 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган мазкур фалокат юз берган.

КўРИК-ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик шодидоналари арафасида анъанавий «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг бу йилги голиб ва совриндорлари аниқланди. Танлов Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур кўрик — танловнинг нуфузи ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Буни танлов ҳаётидаги ўтган йиллардагидан анча кўп — 1752 асар тақдим этилгани ҳам кўрсатиб турибди. Мустақиллик, озодлиқ ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг ўзига хос талқини, миллий истиқлол гоёси ва мафқурасининг шаклланишига хизмат қиладиган, кишилар онгида, руҳиятида, қалбида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари акс этган сара асарлар муаллифлари кўрик-танлов голиблари ва совриндори деб топилди.

Гулбаҳор Шариф қизи, тележурналист (Хоразм вилояти) — «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишига бағишланган туркум кўрсатувлари учун, Юсуфжон Хамдамов, радиожурналист — халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва анъаналари ёритилган «Талқин» туркумидagi радиоэшиттиришлари учун, Акмал Сулаймонов, телетасвирчи — халқимиз бадий салоҳиятининг ўзига хослиги, инсон маънавий дўнисиинг гўзаллигини тарбия этувчи «Олтин бешик», «Йиллар армони» кўрсатувлари учун, Дилбар Кидирниязова, радиожурналист (Қорақалпоғистон Республикаси) - «Энг улуг, энг азиз» радиоочерки ва бошқа ижодий ишлари учун, Ольга Харченко, журналист («Вечерний Ташкент» газетаси) — тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросига бағишланган туркум мақолалари учун, «Зарафшон» газетаси таҳририяти (Самарқанд вилояти) — иқтисодий-ижтимоий, маданий-

маърифий ислохотларнинг бориши ҳамда замондошларимизнинг қалбида, руҳиятида рўй бераётган ҳурлик ўзгаришларини кенг ёритгани учун, Маҳмуд Саттор, публицист — ёзувчи — миллий маросим ва урф-одатларимиз акс этган «Ўзбек удумлари» китоби учун, Узобой Сафаров, rassom (Қорақалпоғистон Республикаси) — Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар акс эттирилган ижодий ишлари учун, Анвар Нуралиев, плакатчи-rassom (Анджидон шаҳри) — «Мустақиллик йилномаси» мавзусидаги туркум плакатлари учун, Валерия Дубровна, дизайнер (Тошкент вилояти) — инсон руҳияти, қалби, онгида кечаётган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёритгани учун, Абдурахим Исмоилов, кинооператор — «Смондаги болалар» фильмидаги операторлик маҳорати учун, Дамир Абдумуратов, кинорежиссёр («Қорақалпоқфильм» киностудияси) — «Баҳодир», «Қора доктор», «Келинчак», «Илм осмонининг юлдузлари» фильмлари учун, Аҳрор Курмонов, овоз оператори — «Тажовуз» бадий ва «Анджидон воқеалари» ҳужжатли фильмлари учун, Алишер Ҳамроев, актёр (марҳум) — «Бахт қадри», «Янги ой чиққан кеча», «Остона», «Дилхироҳ», «Уртоқ Бойкеножаев», «Нотаниш полвон», «Орзу» фильмларида ижро этган роллари учун кўрик-танлов голиби бўлди.

Булардан ташқари, яна қатор ижодкорлар кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофотлари соҳиблари бўлишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2005 йил 26 август кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 25 август кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.

(ЎЗА)

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ КАФОЛАТЛАР

Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийetni янада эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида изчил сазй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Маълумки, кейинги пайтда ушбу йўналишда бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг бу борадаги Қарори ва Фармонлари изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди десак муболага бўлмайди. Ва таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатларнинг жirosини таъминлашда солиқ хизмати органлари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Шубҳасиз, мазкур дастурий ҳужжатларнинг муваффақиятли жорий этилиши кўп жиҳатдан уларнинг мазмун-моҳияти, талаблари юзасидан тадбиркорлар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари самарасига боғлиқдир.

Чунончи, Ўзбекистон Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ шу йилнинг 1 июлидан бошлаб тегишли турдаги корхоналар ягона солиқ тўлови, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ўрнига ягона солиқ тўлови тўлайдилар.

Мазкур Фармонга асосан айрим тоифадаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ миқдорининг пясайтирилиши кўзда тутилган.

Жумладан, ягона солиқ тўлови татбиқ этиладиган кичик корхона ва микрофирмалар учун барча турдаги тўловлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларнинг умумий миқдори 15,2 фоизни ташкил қилган эди (12 фоиз ягона солиқ, 0,7 фоиз пенсия жамғармаси, 1,5 фоиз йўл жамғармаси, 1 фоиз мактаб таълими жамғармаси). Эндиликда эса ягона солиқ тўлови 13 фоиз миқдорига тўланади.

Шундай қилиб, айтаб ўтилган корхоналарга солиқ миқдори 2,2 фоизга қисқартирилиб, солиқ маъмурчилиги ҳам жуда оддий ва қулай бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналари учун, ягона ер солиғи тўловчилардан ташқари, ягона солиқ тўлови 6 фоиз миқдорига (қисқартириш 3,2 фоизни ташкил қилмоқда), фаолияти оммавий-кўргазмади тадбирлар уюштиришга йўналтирилган корхоналарга — 30 фоиз миқдорига (8,2 фоизга камайтирилган), хусусий нотариал идораларига — 50 фоиз миқдорига (3,2 фоизга камайтирилган) белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Фармонга мувофиқ янги ташкил этилаётган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш мuddати бир йилга кечиктирилмоқда. Бундай имконият энди ишини бошлаётган тадбиркорлар учун ўзига хос солиқ кредити ролини ўтайди. Шу билан бирга имтиёзли давр мобайнида солиқ ҳисобидан иқтисод қилинган маблағларни улар ишлаб чиқаришини кенгайтириши ва ривожланишига йўналтирилиши мумкин, албатта.

Шунингдек, бу Фармон билан яна бир янгилик жорий этилди. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб акция махсулот ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ тўлови ҳисобланаётганда акция солиғи суммаси солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташлаш тартиби жорий этилди. Эслатиб ўтамиз, илгари солиққа тортиладиган базадан акция солиғи суммаси чегирилмаган.

Ягона солиқ тўлови жорий этилган микрофирма ва кичик фирмалар бюджетга ижарага олинган ер майдонларига бўлган ижара тўловларидан озод қилинади. Бу эса корхоналар самарали фаолият юритиши учун яратилган яна бир имтиёздир.

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб тизимини тартибга солиш, молия йили давомида тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини кичиқаришига, уларни солиқ органларига топшириш мuddатларини унификациялаштиришга — умумлаштиришга, шунингдек тадбиркорлик субъектларини уларнинг бизнеси юзасидан давлат органлари томонидан асосиз равишда ахборот талаб этилишидан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Мазкур ҳужжатнинг биринчи бандига асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар томонидан бюджетга ва дав-

лат мақсадли жамғармаларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чорада бир маротаба тақдим этилади.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳисоб-китоблар вақти ўзгартирилиши билан бирга уларни тақдим этиш мuddати ҳам унификациялаштирилди. Кайд этилган Қарорнинг 2-бандига асосан ҳар чорада бир марта топширилаётган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботлар ҳисобот давридан кейинги ойнанинг 25-кунига қадар кечиктирилмаган равишда топширилади.

Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, солиқ органларига ҳисоб-китобларни топшириш даври ўзгартирилганлиги ҳисобланган тўловлар суммаларини тўлаш тартиби ва мuddатига таъсир кўрсатмаган. Улар аввалгича сақлаб қолинган.

Қарорнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботлар тақдим этишга оид талабларидан яна бири шуки, унда солиқ органлари ва давлат статистика органларининг ваколатлари чекланмоқда. Мазкур ҳужжатнинг 7-бандига асосан давлат солиқ органлари ва давлат статистика органлари бизнес субъектларидан белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда бирон-бир маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўймайликлар лозим. Акс ҳолда, яъни ноқонуний талаб қилишда айбдор топилган шахсларнинг жазоланиши муқаррардир.

Тадбиркорлар шунини ҳам назарда тутишлари керакки, ушбу талаб ҳисоботларни фақат оддий тартибда, қонунчиликда кўрсатиб ўтилган мuddатларда (ҳар ойда, чорада, йилда бир марта) топшириш ҳолатларига тааллуқлидир. Давлат органлари бирон-бир субъектда текширув ўтказиш жараёнида қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида текширувга оид ҳар қандай ҳужжат талаб этишга ҳақлидир.

Хулоса ўрнида шунини эслатиб ўтмоқчимизки шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман инспекциялари ходимлари солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги борасидаги барча масалаларда тушунтириш ва маслаҳат беришга тайёрдирлар.

Зафар ҲОШИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

Энг асосийси эса бундай махсулотлар бозор ва харидор талаби асосида ишлаб чиқарилиб сифати ва нархи билан аҳоли эҳтиёжини қондираётганидир. Худди ана шундай импорт ўрнини босувчи табиий шартбатлар жорий йилда пойтахтимизда фаолият бошлаган «Интер-сок» Россия — Англия — Ўзбекистон қўшма корхонасида «Фруктовый сад» маркази билан ишлаб чиқарилмоқда. Ички бозорни сифатли, арзон махсулот билан таъминлашни мақсад қилиб, табиий мева шартбатлари ва нектар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлар қисқа вақт мобайнида ўз харидорига эга бўлишди. Бугунги кунда мамлакатимизда корхона шартбатларини севиб истеъмол қилишаётган, қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар туша бошлагани бунинг аққол далилидир. Замонавий «Тетрапак» линияси билан жиҳозланган корхона цехларида айни кунларда 0,2 ҳамда 1 литрли идишларда сақланмиш мuddати 1 йилни ташкил этган 9 турдаги шартбатлар ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси, корхонанинг иш бошлаши билан 100 га яқин ишчи ўринлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, саҳий заминимизда дехқоннинг меҳри билан етиштирилаётган ширин-шакар меваю дармдориларга бой сабзавотлар бундан бир неча йил аввал хом ашё сифатида четга чиқарилиб, қайта ишланиши натижасида қимматроқ нархда ўзимизга тайёр махсулот бўлиб қайтиб келарди. Мустақиллигимиз туфайли, тадбиркорликка очилган кенг йўл, хоржий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар боис ҳам эндиликда уларни юртимизда қайта ишлаш, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан ички бозорни таъминлаш ва шунинг баробарида жаҳон андозлари даражасига ана шундай товарларни хоржий давлатларга ҳам экспорт қилиш имконияти яратилди.

Ойига 600 тонна махсулот тайёрлаш

қувватига эга бўлган қўшма корхонада Чуст, Самарқанд, Бухоро консерва заводларидан келтирилган маҳаллий хом ашё ҳамда четдан келтирилган айрим мевалардан унумли фойдаланилмоқда.

— Диёримиз кўшидан баҳра олиб ўсган мевалар, албатта ширин ва дар-

Ҳозирги пайтда корхона цехларида ишлаб чиқарилиб, пакетларга қадоқланган шартбатлар махсус машиналар ёрдамида пойтахтимизнинг ҳар бир туманидаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда, вилоятларда эса корхона дилерлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Албатта, келгусида фир-

ўзбек маркази билан маҳаллий хом ашёдан анор, узум ва лимон шартбатини, шунингдек, турли мевалар аралашмасидан ҳам ажойиб махсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутишмоқда. Маҳаллий хом ашё ҳисобида махсулот ишлаб чиқариш асосида, товарлар таннархини арзонлаштириш, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришни режалашмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир эълон қилинган бир қатор Фармон ва Қарори биз каби эндигина иш бошлаган ишлаб чиқарувчилар фаолияти ривожига катта аҳамият касб этади, — дейди Юрий Нуритдинов. — Уларда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар олдимиздаги ҳар қандай тўсиқларни, голворни енгиб, ишлаб чиқариш ҳажминини орттириш йўлидаги изланишларни давом эттиришга ундамоқда. Биз ҳам солиқ борасидаги, четдан хом ашё келтиришдаги имтиёзлардан самарали фойдаланмоқдамиз, бу келгуси ривожимизни таъминлашда, корхонамизни кенгайтиришда, махсулот экспортни йўлга қўйишда самарали восита саналади. Шу асосда йил охиригача яна 50 та қўшимча ишчи ўрни очилиши режалаб турибмизки, бу бандлик муаммосини ҳал этишга қўшган ҳиссамаси бўлади.

Қўшма корхонанинг Сихат-саломатлик йилида иш бошлаши ҳам рамизий маънога эга. Негаки, корхонада тайёрланаётган табиий шартбатларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамияти бор. Энг асосийси эса бу мазаси оғзингизда қоладиган махсулот, бизнинг шартбат — Ўзбекистон махсулоти!

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: шартбатлар сифатини таъминлаб, рақобатбардошлигини оширишда сифат бўлими директори Ирина Никова жонбозлик кўрсатмоқда; бу — корхона махсулотлари.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Қўшма корхоналарда

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЎРНИ БОР


«Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилиб, ички бозорда импорт махсулотлари ўрнини босувчи товарлар бир томондан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг салоҳиятини намоён этса, шунинг баробарида иқтисодийетимиз ривожини таъминлаши билан аҳамиятлидир.



мондориларга бой, — дейди корхона бош директори Юрий Нуритдинов. — Шу боис ҳам ишлаб чиқараётган шартбатларимиз ҳам ўзининг алоҳида таъми билан ажралиб туради. Энг муҳими эса сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки бугунги рақобат кучли бўлган бозор шароитида сифат биринчи ўринда турсагина харидорингизни йўқотмайсиз, буюртмалар сони ҳам ортиб бораверади.

ма дўконларини очиш, харидорларга қулайлик яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, махсулотларни Тожикистон, Қозғистон, Афғонистон сингари қўшни давлатларга экспорт қилиш юзасидан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Албатта, изланиш, интилиш, янгилик яратиш муваффақиятларга асос бўлишини тадбиркорлар дилдан ҳис этишади. Шу боис ҳам келгусида улар



Мустақиллик тевалари

Юртимизда жаҳон андозалари даражасидаги осмонўпар бинолар, ҳавас қилса арзиғулик шарқона бозорлар, чиройли, ям-яшил хиёбонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар сони йил сайин кўпайиб кўрган кўзларни қувнатмоқда.



ПОЙТАХТНИНГ бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА сапирра

● **СОҒЛОМ** авлод учун ҳамда «Хотира хиёбони» жамғармалари ҳамкорликларида шу кунларда юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган кичик тасвирий санъат асарлари кўргазмаси «Ватанга муҳаббат билан» деб номланди.

● **ЎРИКЗОР** маҳалласида ёшлар ва фаоллар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «XXI аср ва ёшлар» деб номланди.

● **ЎТГАН КУНИ** «Зилола» маҳалласида «Камолот» ЁИХ Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган акция «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Феруза» маҳалласида ўтказилган давра суҳбати ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги мактабларнинг методик бирлашма раҳбарлари иштирокида «2005-2006 ўқув йилида «Камолот» ЁИХнинг мактабдаги ўрни» мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Зиё» маҳалласида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида уюштирилган давра суҳбатида фаоллар, ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ибн Сино номли маданият уйида ёшларнинг маданий ҳордиғини чиқариш мақсадига концерт дастури ўтказилди. Ушбу тадбир «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши, «Маҳалла умидлари» маркази ҳамда 3-сонли «Баёт» маданият уйи ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши томонидан ташкил этилган «Уй бекаси» ўқув курслари тингловчиларига сертификатлар топширилди.

● **КЕЧА** «Боғишамол» маҳалласида инглиз тилини ўқитиш бўйича «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув курсининг якунловчи машғулотли бўлиб ўтди. Курсни якунлаган тингловчиларга сертификатлар топширилди.

● **АЛ-ФАРФОНИЙ** маҳалласида «Йўлдош», «Еркин ҳаёт» маҳаллалари фаоллари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Ёшларда соғлом эътиқод гоёларини шакллантириш-давр талаби» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ШАЙХОНТОҲУР : РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Азим пойтахт чиройига чирой кўшиб, кундан кунга яшнаб бораётган Шайхонтоҳур тумани 1929 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудуди 2446,8 гектарга тенг, аҳолиси эса 269,3 минг нафарни ташкил этади.

Туманда мустақиллик йилларида қад ростлаган Ўзбекистон Давлат консерваторяси, Ислон университети, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги академик лицей, Ўзбекистон Миллий академик драма театри, «Чорсу савдо маркази», «Чорсу» ва «Эски Жўва» бозорлари каби янги қурилган ва қайта, замонавий таъмирланган бинолар сафига янгилари қўшилиб ушбу ҳудуднинг энг обод гўшалар қаторидан ўрин олишига ҳисса қўшмоқда.

Бугун туманнинг Эски шаҳар қисмида бўлган киши уни танимай қолиши шубҳасиз. Биргина Зарқайнар, Сағбон ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда, нафақат туман, балки шаҳримиз кўркіга кўрк қўшиб қад ростлаётган Болалар бадиий ижодиёти уйи иқтидорли ўғил-қизларни янада руҳлантириши, янги-янги зафарларга ундаши шубҳасиз.

Туманда 3391 та корхона ва ташкилот, 2655 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият юритади. Жорий йилда саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 42,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса бу ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатининг 168,4 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Ушбу даврда 14,6 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, бунда ўсиш суръати 117 фоизни ташкил этди. Туман иқтисодиётига 25,7 миллиард сўм ёки 25,4 миллион АҚШ долларига тенг хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинди. Бу аввалги йилги кўрсаткичдан 152 фоизга кўпдир. Тўғридан тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари эса 2,8 барбарга кўпайди. Жорий йилнинг

ўтган ярим йиллиги якуни бўйича корхоналарнинг чакана товар айланиши ҳажми 89 миллиард 701,7 миллион сўмга етди. Аҳолига 22 миллиард 247,7 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. 6 ой давомида кичик тадбиркорликни ривожлантириш туфайли 1771 та иш ўринлари ташкил этилди. Шу вақт ичида кичик бизнес субъектларига туман тижорат банклари томонидан 9

лаш мақсадида 10 та оилавий поликлиника, 5 та шифохона, 1 та тиш даволаш поликлиникаси хизмат кўрсат-



миллиард 472,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Бугун туманда уй-жой коммунал соҳасидаги ислохотлар давом этиб, кўп қаватли уй-жойларни бошқариш тизимида ҳам янги ўзгаришлар юзга келган. Йил бошида 34 та ширкат фаолият юритган бўлса ҳозирда уларнинг сони 72 тани ташкил этади. Бу эса ишга бўлган муносабатни мутлақо ўзгаришига, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг барқарор фаолият юритишига замин яратмоқда.

Туманда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш, турмуш даражасини яхшилаш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ривожланишни шакллантириш, ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ва жисмонан етук бўлиб воёга етиши борасида ҳам режали ишлар олиб борилмоқда.

Тумандаги 49 та маҳаллада истиқомат қиладиган аҳоли соғлиғини тик-

моқда. «Гулзор», «Ипакчи», «Кўкча», «Исломобод» каби йирик гузарлар сафи шинам, ораста, барча қулайликлар яратилган гузарлар қурилиши билан ортиб бормоқда. Тумандаги архитектура-қурилиш, кимё-технология институтлари ва Ислон университетида 5,5 мингдан ортик талаба, 42 та умумтаълим мактабида 41,461 нафардан ортик ўқувчи ёшлар билим олмоқда. 46 та мактабгача таълим муассасалари эса 9621 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. Бундан ташқари 3 та академик лицей, 9 та касб-хунар коллежи, 2 та махсус мактаблар ҳам ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Ҳудуддаги 4 та театр, 1 та музей, 11 та кутубхона, маданият ва истироҳат боғлари аҳолининг яхши ҳордиқ чиқариши, маданий дам олишига барча зарур шарт-шароитларни яратиб фаолият юритмоқда.

Кундан кунга чирой очаётган Шайхонтоҳур туманидаги кенг кўламли ишлар, Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги ободонлаштириш, бунёдкорлик юмушлари ҳақида яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, туман аҳолисининг руҳияти тетик, кайфияти аъло, тайёргарлик авжида, улуг ва азиз байрамни муносиб кутиб олиш йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА



МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУФ НЕЪМАТ

Яқинда Бухорои шарифга йўлим тушиб қолди. Когонда вокал майдонидан чиқшим билан қаршимда зангори уфқ билан туташ хиёбонни ўнг ва сўл соҳилларга ажратган гуллар дарёси пайдо бўлгандек туюлди. Балки уни дарё эмас, гулзор деб аташ тўғрироқдир. Аммо тонг шабадасида турфа ранг нафис гуллар майин тебраниб, дарё мавжларидек чайқалиб турарди. Бу фусункор манзара узоқ давом этди. Кейин машинамиз деразаси оша кунчи кеча барпо этилган спорт иншоотлари, лицейлар... саф тортиб ўтди. Вилоят ҳокимиятига яқинлашганимизда эса замонавий катта спорт мажмуаси нигоҳимизни ўзига жалб этди. Биз машинадан тушиб, кўхна Бухорони яшартириб юборган бу ёшлик майдонини зиёрат этмай тура олмадик. Спорт мажмуасига кириб, футбол майдони ва теннис кортларининг халқаро андозлари асосида яратилганини кўриб, чеҳраимиз яна ҳам яшнаб кетди. Бу комплекснинг тевараги ёшлар суҳбат куриб ором олиши ва тамадди қилиши мумкин бўлган кўплаб замонавий дўконча, клуб ва кафелар билан ўралган эди...

Мен Мустақиллик шарофати билан майдонга келаётган бундай ажойиб масканларни мамлакатимизнинг бошқа вилоят ва шаҳарларида ҳам кўриб беҳад қувонганман.

Балки ўринлидир, балки ўринсиздир, мен ҳар сафар кўзимга ҳовуч ҳовуч нур, юрагимга эса олам-олам қувонч бағишлаган бундай ўзгаришларни кўриб, Фитрат домлининг она юрт дарди билан тўйинган мунгли сатрларини эслаймаман. У 1917 йил февраль воқеаларидан кейин ўзбек халқини мустақиллик учун мардона қурашга ундовчи бундай сатрларини ёзган эди:

"Етсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршумда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир Хотун хаёли... Бир Хотунки, эғнида ипакли, лекин йиртки ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийим йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқадан ботган, бақирурга товуши, кутлурага кучи қолмаган!.."

Қарамайман: кимсасизлик юқиндан орилган танда золимона урилган қамчиларнинг яраси бор, кўраман: жаҳилона қилинган эмлардан носулга (тузалмаган), қайтган яралариндан қонлар оқиб турадур!..

Эй мунгли Хотун, сен кимсан? Эй қамли Она, нечук мундик айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг у ёш ёмғурларни нечун тўқадур? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладур, нима тилайсан?..

Ох... Билдим... Билдим... Англадим!

Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан..."

Фитрат мустақиллақчилик кишанларидан ипакли кўйлақлари йиртилган, бош-оёғи яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойга ботган, ҳатто бақиршга кучи қолмаган Ватани ана шу муштипар аёл образида ёрқин мужасамлантирган эди.

Одатда Шарқда шоирлар Ватанини ота номи билан боғлайдилар, ота юрт, деб. Фитрат ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб Ватанини аёл (хотин) образи орқали гавдалантирди. Бунинг боиси ўша пайтдаги инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлган аёлларнинг инон-эркидан, мустақиллигидан маҳрум бўлган Ватан билан муштараклигидир. Фитрат тасвирида-

ги она-Ватан образида биз XX аср бошларидаги мамлакатимизнинг қандай гариб бир аҳволда бўлганини аққол кўргандек бўламиз.

Афсуски, 1917 йил октябрь тўнтаридан кейин ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тақдирини сезиларли ўзгариш бўлмади. Ўзбекистон энди большевиклар идора қила бошлаган давлатнинг мустамлақаси бўлиб қолди. Мустақиллақчилик кишанлари фақат қизил рангга бўялди, холос. Ер ости ва ер усти бойликлари

Биз бажара олмаган ишлар уларга мунтазир. XXI асрда туғилиб улғаяётган ёшлар Мустақиллик дарахтининг яна ҳам бақувват бўлиб ўсиши учун масъулдилар.

Шу кунларда XX асрдаги энг даҳшатли воқеалардан бири — Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасининг ташлангани ва бу шаҳарларнинг ер билан яқсон қилинганига олтиш йил тўлди. Умуман, Япония иккинчи жаҳон урушидан вайрон бўлиб чиқди. Аммо урушдан кейин туғилган авлоднинг ақлий меҳнати туфайли кунчиқар мамлақати қаддиқоматини тиклабгина қолмай, жаҳоннинг техник жиҳатдан энг юксак мамлақатига айланди. Инсоният хозирги даврда кўп жиҳатдан япон олимларининг кашфиётлари туфайли тараққий этиб бормоқда. Жаҳон фанига Берунийлар, Фаргонийлар, Улуғбекларни етказиб берган ўзбек халқи, наҳотки, японларга нисбатан истеъдодсиз бўлса, илмий-техник салоҳиятга эга бўлмас?!"

Бизнингча, ҳамма нарса ёш авлоднинг тарбиялашда, унга бўлган умид ва ишончи моддий негиз яратиш йўли билан ҳам мустақамлашадир. Моддий негиз эса энг замонавий жиҳозлар, техник ускуналар билан бир қаторда иқтисодий таъминотни ҳам ўз ичига олади. Шу кеча-қимдузда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган барча ишлар шу моддий негизни яратишга қаратилган.

Модомики, баҳсимиз ёшларга бориб тақалган экан, атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг уларни назарда тутиб айтган қуйидаги сўзларини келтиришни истардим. У ёзган эди:

"Илм-дунёнинг иззати... Илм инсон учун гоат олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз ахлоқимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатар. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюриб бериур. Бизларни илм-жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, маданият, инсоният маърифат дунёсига қақирур, ямон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур..."

Мен хозирги кунда ёшлиқнинг олтин қасрида яшаш шаклланаётган авлодларнинг ушбу сўзларни жадид болболарнинг васияти сифатида қабул қилишлари ва бутун умрлари мобайнида шу сўзларга риоя қилиб яшашларини истар эдим. Зеро, келажакда улар бошқариши лозим бўлган мамлакат жаҳоннинг энг тараққий этган, халқи файз-барақа иқлимида яшайдиган мамлакат бўлиши зарур.

Бунинг ўзидаёқ ана шу мамлакатга мустахкам пойдевор қурилганини унутмаслик лозим.

Адабиётимизнинг юксак юлдузларидан бири Ойбек ўзбек диёрига бағишланган шеърларининг бирида худди бугунги воқеликка назар ташлагандек, шавқ-заъқ билан бундай ёзган эди.

Яратилди бир шоҳ асар, гўзал бир дoston, Фадир-будир меҳнат қўли битгандир бунни, Келажакнинг баҳоридан олинган қуйи, Хаёлларга сиймайди ҳеч унинг мазмуни...

Ўқи ва сев! Бунинг исми хур Ўзбекистон. Ўзбекистон исми ана шу шоҳ асарнинг кейинги саҳифалари ўз муаллифларини интизорлик билан кутиб турмоқда.

Наим КАРИМОВ

Шарқ дурдоналари



● Фарзандлар ота-онага итoат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она қайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган ахшиликнинг дебoчаси деб билади. Наҳот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насими ота-она туғайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан муддоа шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳрумуҳаббат оинасини губорлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ҲИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақимларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати ҳам ейишда, тил роҳати оз гапиршда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмак зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир.

Агар кўрсангни йўлда чоҳдир, Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!

Байт:
Агарчи жим ўтирмак хирадманд наздида хушдир,

Валекин маслаҳат пайтида ҳаш бўлғай фикр айтмоқ.

Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмак бафаҳлимқидир.

Керак пайтида сўз айтмай, ноқерак пайтида ҳам урмак!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун ноилоқий ишдир. Шунингдек, гапирш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Ақлу тадбир билан йўлаб қарадим, Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан. Айтмагайман лабу кўзани юм доим, Аммо ҳар биринг жойи бор экан.

● ҲИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан қўра жим ўтиришлик афзал эканлиги хаҳида Рум қайсари, Хинд роҳаси, Чин фағфур уртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён ипига тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъза сўзларимдан қаттиқ надомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назим:

Айтилмаган сўздан надомат етмас, Сўз айтилгач, ундан зарар юзланар!

Хинд роҳаси ақл дарёсидан дур хозирлаб, баён ипига терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан у менинг қўл остигидир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди ағалик қилолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан, Айтилгани қачон тута оларсан?!

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика акциядорлик тижорат банки «ҒАЛЛАБАНК»

Энг улуғ, энг азиз байрам –
Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги
билан барча юртдошларимизни
муваффақият эстади!!!

«Ғаллабанк» пластик карточкалари
ишончли, қулай ва замонавий тўлов
воситасидир. У вақтингизни тежайди,
маблағингизни ишончли
сақланишида кафолатдир.

«ҒАЛЛАБАНК»

хонадонингизга кут-барака келтирсин

Кўриниб турибдики, рақ кўпайиш хавфига эга эканлиги билан ажралиб туради. Келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики XXI асрда ҳам бу касаллик билан курашиш давом этади. Энг қизиғи шундаки, ҳозирги кунда рақ касаллиги дунёнинг ривожланган давлатларида кўп учраб (75 фоизгача) кўпгина кишиларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда рақ касаллигини келтириб чиқарувчи бир неча юз омиллар топилган бўлиб шулардан 90-95 фоизи ташқи, атроф-муҳит ва инсонлар ҳаёт тарзига боғлиқ экан. Фақатгина 5-10 фоиз омиллар, бу— эндоген (организмга боғлиқ) омиллар экан. Ташқи муҳит ва эндоген (организмга боғлиқ ички) омилларни билвосита таъсири натижасида одам организмидagi (аъзодаги) хужайралардаги генларда мутацион ўзгаришлар келиб чиқади ва хужайрадаги баъзи ирсий маълумотларни ўзгартириб юборади. Хужайралардаги кўпайиш нотурғун ҳолатга ўтиб организмнинг умумий қонуниятига итоат қилмаган ҳолда ривожланади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда рақ касаллигининг келиб чиқишида канцероген омилларнинг ўрни қуйидагича бўлинган: чекиш рақ касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар ичида 30 фоизни ташкил қилса, овқатланишнинг бузилиши 35 фоизга, инфекция омиллар-10 фоиз, касбий омиллар-4,5 фоиз, радиацион омиллар 4-5 фоиз, ультрабинафша нурлари —2-3 фоизни, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш—2-3 фоиз, атмосферанинг бузилиши —

1-2 фоиз, репродуктив омиллар—4-5 фоиз ва кам ҳаракатлилиқ—4 фоизни ташкил қилади. Ички омиллардан ирсий омиллар 3-6 фоизни ташкил қилади.

Мутахассис микбари

РАКНИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИМИ?

Рақ касаллиги халққа қадимдан маълум бўлиб, тиббиёт соҳасида энг оғир хасталиклардан бири ҳисобланади. Ҳар йили ер юзидa 10 миллиондан ортиқ одам бу хасталикка дучор бўлади ва ўлим кўрсаткичи 6 миллионни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ер юзидa 22,5 миллиондан ортиқ киши шу касалликдан даволаниб яшаш қобилиятини сақлаган. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда дунёнинг барча давлатларида бу касаллик кўпайиб боради ва 2020 йилга бориб бир йилда 16-20 миллион киши бу хасталикка чалиниши мумкин.

Кўриниб турибдики рақ касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар турли хусусиятларга эга бўлиб, умумлаштирилган ҳолда: кимевий, физик ва биологик омилларга бўлинади. Инсон организмга таъсир қилувчи омиллар бир-биридан фарқ қилган ҳолда, уларнинг таъсир доираси бир бўлсада, хужайранинг ирсиятини ўзгартириб, бошқа йўл билан кўпайишига йўл очиб беради. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, таъсир қилувчи омилларнинг ўз вақтида организмга таъсири бартараф қилинса, касалликнинг олдини олиш мумкин. Бундан ташқари рақ касаллигини келтириб чиқарувчи рақ олди касалликлари-

ни ва хавфсиз ўсимталарни ўз вақтида даволаш эса рақнинг олдини олиш ва даволашдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Рақ касаллигини ўз вақтида, бошланғич

тириб, ўлим ҳолатини кўпайтиради. Бу эса нафақат моддий зарар, балки бемор учун, унинг оиласи ва болалари учун психологик таъсир кўрсатади. Дунёнинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорликда бу йўналишда катта ишлар олиб боришмоқда. Президентимизнинг Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонлари бу йўналишда онкология хизматига бўлган эътиборни кучайтирмоқда. Онкологик беморларни дори воситалари билан таъминлашнинг йилдан-йилга ўсиши, вилоятлардаги онкологик диспансерларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бунга мисол бўла олади. Бунинг натижаси сифатида ҳисобда турган даволаниб чиққан онкологик беморлар сонининг кўпайиши ва касалликни барвақт аниқлашни айтиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари янги усулларнинг кенг татбиқ қилиниши аъзоларни сақлаш имкониятини яратмоқда ва ҳаёт сифат тарзини яхшиламоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, рақ касаллигини даволаш мумкинми деган саволга, ҳадеб жавоб бериш мумкин, қачонки касаллик ўз вақтида аниқланиб ва даволаш ўз вақтида мутахассис томонидан олиб борилса, хатolikларга йўл қўйилмаса ва вақт ўтказиб юборилмаса.

Ғафур АХУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни Сақлаш
вазирлигининг
бош онколог, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Спорт

АНЪАНАЛАР МУНОСИБ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятини мухлислар яхши билишади. Ушбу жамият клубларида ҳар хил спорт турлари бўйича кўплаб Олимпиада, жаҳон, Осиё чемпионлари, йирик халқаро мусобақаларнинг ғолиблари етишиб чиққан.

«Динамо» жамиятининг сўнгги беш йиллик натижалари сарҳисобига бағишланган ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу ҳақда сўз борди. Бу борада биргина мисол келтирадиган бўлсақ 2004 йили Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз спортчилари кўлга киритган бешта медалнинг бари «Динамо» вакиллари саъй-ҳаракатларининг меvasи эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Анжуманда қайд этилганидек, ўтган ҳисобот даврида «Динамо» жамияти вакиллари 214 та халқаро мусобақалар, жаҳон ва Осиё чемпионатларида иштирок этиб, 303 олтин, 271 кумуш ва 287 та бронза медалларининг соҳиблари бўлишди. Нисбатан қисқа вақт ичида 55 та халқаро тоифадаги спорт устаси, 200 дан ортқ спорт усталари етишиб чиқди.

Албатта, мустақам моддий-техник негизга эга бўлмасдан туриб, юксак марраларни кўзлаб бўлмайди. «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти моддий-техник негизни ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Хозирда «Динамо» жамияти тасарруфига 266 та спорт заллари, 26 та стадион, 474 та спорт майдончалари ва футбол майдонлари, 195 та ўқ отиш тирлари ҳамда 22 та сув ҳавзасидан унумли фойдаланилмоқда.

Конференция давомида айрим камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам сўз борди. Жойларда оммавий жисмоний тарбия ишларини янада ривожлантириш, моливий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти борасидаги ишларни яхшилаш юзасидан ўринли тақлифлар билдирилди.

Тадбир сўнггида «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти Марказий Кенгашининг янги таркиби сайланди. (Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан 2000 йилда Муратов Афзал Нейматович номига берилган. В № 030719 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Тошкент солиқ коллежи раҳбарияти ва жамоаси коллеж ходимаси Лариса Тулкуновна Сулеймановага турмуш ўртоғи **Хуснитдин Сайфутдинович СУЛЕЙМАНОВНИНГ** вafот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Маданият масканларида

БОҒДА — ҚЎФИРЧОҚ ТЕАТРИ

Қўғирчоқ театри санъатлар ичида энг қадимийларидан бири бўлиб, олис тарихни ўз ичига олади. Турон заминида ҳам ўтмишда кўплаб сайёр труппалар фаолият кўрсатиб келган. Улар ўзлари ясаган антиқа кўғирчоқлар билан юрт кезганлар, томошалар кўрсатганлар.

Улар ихросидаги фаройиб ва қизикарли дастурлар барчага — каттага ҳам кичikka ҳам манзур бўлган. Айниқса болажонларга олам-олам қувонч бахш этган. Ўтган асрнинг бошларига келиб бизнинг худудимизда ҳам профессионал кўринишдаги кўғирчоқ театрлари вужудга келди. Хозирги кунда пойтахтимиз Тошкент ва республикамизнинг барча вилоятларида кўғирчоқ театрлари мавжуд бўлиб, улар ўз мухлисларига эгалар. Албатта санъатнинг бу тури ҳам, бошқа санъат турлари каби ўзида юксак гоёларни акс эттириб, инсониятга, санъатсевар халқимиз қалбига эзгулик, одамийлик, халқлар дўстлиги, атрофимизни ўраб турган борлиққа, табиатга муҳаббат каби тушунчаларни мужассам этиб, халқимизга, айниқса болажонларимизга мазмунли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу йилдан бошлаб шаҳримиздаги Фахруллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам кўғирчоқ театри жамоаси фаолият кўрсата бошлади. — Ҳаммаси кутилмаганда, тўсатдан бўлди, — дейди ушбу гуруҳнинг режиссёри ва раҳбари, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтининг кўғирчоқ театри режиссёрлиги 3-курс

талабаси Рустам Содиков. — Боғ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов менга кўғирчоқ театри ташкил қилишни таклиф қилиб қолдилар. Мен рози бўлдим ва шу кундан бошлаб ҳаракатга тушиб кетдим. Театр актёрларини ҳам ўзим ўқитган институтдан танлаб олиб келдим. Улар 3-курс кўғирчоқ театри актёрлари факультетидан Умид Дадажонов, Шаҳзода Жўраева, Нилуфар Мирасидова, Бахтиёр Абдуллаев ва 2-курс талабаси Шаҳзода Муҳлисвалар. Боғ мазмурияти томонидан машғулотлар ўтказиш учун алоҳида хона ва сахна ажратиб берилди. Биз дастлаб болгар халқ эртаги асосида Н.Гелелло асари «Дўст» тилида биланар» ва С.Переображенскийнинг «Ай-ёрликнинг ҳоли вой» асарларини сахналаштиришга киришдик. Ушбу асарлар боғнинг бадбий раҳбари Мирзааҳмад Содиков томонидан ўзбек тилига ўғирлиди ва ҳар бир қаҳрамонлар учун қўшиқ матнлари ёзилди. Спектакль учун мусиқаларни Улмуҳаб Солиқов басталади.

Спектакль учун кўғирчоқлар, декорациялар тайёрлаш, буларнинг ҳаммасига боғ раҳбари-

яти яқиндан ёрдам берди.

Кўғирчоқ театри жамоаси ўзининг дастлаб-ки спектаклини ёш томошабинларга шу йилнинг 15 июль кўни намойиш қилди. Шундан бери ҳафтанинг ҳар чоршанба ва яқшанба кунлари боғнинг марказий эстрада сахнасида бу ерга келган дам олувчилар, айниқса болажонлар фаройиб эртак томошаларини мириқиб кўрмоқдалар. Хозирги кунда театр жамоаси иккита янги асар устида қизгин иш олиб бормоқда. Биз ҳам ёшлардан иборат ушбу ижодий гуруҳга янгидан-янги асарлар яратишларида ютуқлар тилаб қоламиз.

Рустам ХўЖАЕВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторисининг профессори
СУРАТДА: кўғирчоқ театри томошаларидан кўриниш.



Мағбурлар

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ёш авлодни Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, соғлом, мард ва жасур, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялаш оила, маҳалла ва мактаб олдида турган муҳим вазифалардир.

нинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга доир фаолиятини фаоллаштириш мақсидида илк бор «Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда туман маҳаллаларининг хотин-қизлар комитетлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, туман бош педиатри, умумий ўрта таълим мактабларининг раҳбарлари, мактабга тарбия муассасаларининг мудирилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Республика таълим маркази «Маънавият ва

маърифат» бўлими бошлиғи Мукамб Арзимова, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шифокор наркологи Розия Икромова, туман бош педиатри Мадина Тиллаева, «Пахта» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира Фофурова ва бошқалар маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг жиноятчилик, гивандлик, экстремизм ва терроризм йўлига кириб кетишдан сақлаш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш ҳамда ёшларнинг сиёсий онгини ва ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш кераклиги, бу борада нафақат оила, балки маҳалла, мактаб ва жамоатчиликнинг ўрни ўта муҳими-

гини таъкидладилар.

— Мазкур семинарни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Республика таълим маркази «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари Мукамбар Арзимова, — халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, миллий мероси урф-одатлари ва анъаналари, кадрларни ҳақида ёшларимиз онгида мустақам билим ва кўника ҳосил қилиш, энг муҳими уларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш ҳамда миллий Истиқлол гоёси ва миллий мафкура асосида ёшларимизни бирлаштиришдан иборатдир. Бунинг учун агар биз оила, маҳалла, мактаб концепциясидаги кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида иш олиб бурсак, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда таълим-тарбиянинг самарадорлиги янада ортади.

Баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар, қизикарли ҳамда фойдали тақлиф-мулоҳазалар остида ўтган анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва улар шу каби тадбирларни бундан бунён тез-тез ўтказиб туриш зарур эканлигини мамнуният билан таъкидлашди.

Дилором ДўСТМУХАМЕДОВА
Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Мунажжим башорати

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ КЎРИНГ

25 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Мунажжимлар, айниқса, сизга таниш башоратчи С.Ильичёв ҳаворанг бўёкларга бўялган бугунги кўнни маънавият кўни деб таърифлаган. Бу — устозга таъзим этиладиган, маънавий мулоқотлар кўни, дейди у. Бу кўнни маънавий юксалиш, маънавий сабоқлар, руҳий қониқиб олиш кўни ҳам дейишдади.

Бугунги кун суд ҳўкмиларини чиқариш, улар юзасидан апелляциялар учун самарали бўлиши кутилади. Одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, ўзаро аҳборотлар алмашишга интилиш керак. Кўпроқ сулоқий истеъмол қилиш, шарбатлар, вино ичиш мумкин. Бугун ўйин-кулиб қилиш, дам олиш, "лайлақлар ўз қанотларида олиб келиб, ташлаб кетган" кичкинаўй авлодларингизга гамҳўрлик кўрсатиш керак бўлади.

Бу пайшанба сув билан, гиванд моддалар билан ҳазиллашиб бўлмайди: бу жуда хавфли.

Бугун айниқса томқок ва қулқотларни эктиёт қилинг, тананинг ортқика совиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Кийинишда жиддий, қорамтир тусли либослар хайрли бўлади. Ерқўн ва оқшўн ран-

глардан, хайниқса қизил ранг либослардан ўзқорққ бўлинг.

ПАЙШАНБАДА:

- сафарлар, саёфатларга йўл олиш;
 - озиқ-овқатларни гамлаш, косметика, атир-упа ва ўзингизга ёқимли бўлган бошқа нарсаларни харид қилиш;
 - транспорт ва алоқа воситаларини ҳал этиш;
 - истиқболни кўзлаб иш олиб бориш, натижаларни кутишда шошқалоқликка йўл қўймаслик;
 - яқин кишиларингиз даврасида ўйин-кулиб қилиб, қувнаб дам олиш;
 - турли муаммоларни ҳал этишда ички тўғйуларингизга таъйинлаш тавсия қилинади.
- Бўйрақлар, пешоб йўлларидаги оғриқлар ёки оғриқ аломатларини эътиборсиз қолдирмайлик.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

«Сувсоз» трести «Сув ҳақидаги қонун»га биноан 2006 йилда шаҳар сув тармоқларидан сувни истеъмол қилиш лимитларини тасдиқлаш учун ҳужжатларни тайёрлашга киришмоқда. Лимитлаш учун ҳужжатларни тайёрлаб 2005 йил 15 сентябргача ДУК «Сувсоз» трестига (Чехов кўч., 2-уй, 206-хона) топшириш керак. Ўзингиз билан муддати узайтирилган техник шартлар, сувдан махсус фойдаланиш (специализация) рухсатномаси, коммунал-экологик меъёр лойиҳаси бўлиши шарт.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳўқимлиги

Буюртма Г-709.

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусxada босилади. Қўғо бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-85 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-матбоа акциядорлик компанияси боисхонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.